

**ASAKA TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**
Asaka tuman, Sohilbo'yi ko'cha 11-uy



**ASAKA INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**
Asaka district, Sahil bo'yi street 11

Тел: (+998 74) 232-35-41, Веб-сайт: www.oliysud.uz, эл.почта: i.asaka@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Асака тумани

2022 йил 09 декабрь

4-1702-2201/███-сонли иш

Асака туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.М.Бузурходжаев, раислигида, Ж.Одилжоновнинг котиблигида, аризачи ██████████ ██████████ жавобгар ██████████ ██████████нинг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги электрон аризаси бўйича ишни, аризачининг вакили ██████████, (ишончнома асосида) иштирокида, жавобгарнинг вакили иштироксиз, Асака туман ДСИ биносидан очиқ сайёр суд мажлисида электрон шаклда кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

██████████ солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган. ██████████ томонидан

██████████ солиқ ҳисоботи белгиланган муддатга қадарли топширилмаганлиги сабабли, ██████████ судга электрон шаклда ариза киритиб, ██████████

██████████ нисбатан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суднинг ажрими билан аризани электрон шаклда иш юритишга қабул қилиниб, аризани кўриб чиқиш суд мажлисига тайинланган.

Жавобгарнинг суд мажлиси ҳақида электрон шаклда шахсий кабинети орқали хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисида иштирок этмади ва аризачининг талабларига эътирозини билдирмади.

Суд мажлисида аризачининг вакили аризани қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд, аризачи вакилининг кўргазмасини тинглаб, электрон шаклдаги иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни лозим топади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

Ушбу Кодекснинг 259-моддасига кўра, фойда солиғи бўйича бир ой солиқ давридир.



Мазкур Кодекснинг 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Бирок, иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар [REDACTED]

[REDACTED] ҳисобот тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аңглатади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

[REDACTED]нинг [REDACTED] электрон хабарномасида жавобгарга солиқ ҳисоботини белгиланган муддатга қадар тақдим этиш сўралган.

[REDACTED]нинг [REDACTED] электрон қарори билан жавобгарнинг банклардаги барча ҳисоб варақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.

[REDACTED] юборилган электрон алоқа хатида, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида иқтисодий судга



ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасига кўра, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Жавобгар томонидан ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органига топширилмаганлиги [REDACTED] бошлиғи томонидан имзоланган аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги боис, суд аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 222-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Суд, ишни кўриш билан боғлиқ суд ҳаражатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, давлат божини тарафлардан ундирмасликни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси 1-қисми 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Юқорида баён этилган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 82, 259, 273, 111, Иқтисодий процессуал кодексининг 215, 217 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и :

[REDACTED]нинг аризаси қаноатлантирилсин.
Жавобгар [REDACTED]нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг чиқиш қисми [REDACTED] тақдим этгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.
[REDACTED]га хизмат кўрсатувчи барча банклардаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан устидан ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

\имзо\

У.М.Бузурходжаев

